

Ерни хўкиз кўтариб туриши ростми?

18:50 / 24.04.2016 3800

Савол: Ҳалигача баъзи китобларда ер хўкизнинг шохи устидалиги, зиизилалар уни бир шохидан бошқасига олганда содир бўлиши ҳақида ёзилган китоблар учраб туради. Бу гапнинг асли таги борми?

Жавоб: Ҳа, бу гапнинг таги бор. Лекин ўзи ёлғондир. Буни турли ажиб хабарларни нақл қилган Ваҳб ибн Мунаббаҳдан ривоят этилган. “Масаликул абсор фи мамаликил амсор” китобида хўкиз ерни қандай кўтариши зикр қилинган бўлиб, унинг тўрт минг кўзи, шунча бурун, оғиз ва оёқлари борлиги, исми Кийусо экани, катта кит устида туриши айтилган.

Бу гапларга Қуръондан ёки саҳиҳ суннатдан далил йўқ. Мутахассис олимлардан бирортаси бундай демаган. Қадим китоблар қатидаги хурофот ва исроилиётлардан жуда қаттиқ эҳтиёт бўлишимиз лозим.

Мубашшир АҲМАД,

Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти мударриси